



Ислом ва мусулмонларнинг буюк ва бой тарихи жуда кўп кашфиёт ва фатхларга бой бўлгани шубҳасиздир. Аллох Таъолонинг ёрдами билан мусулмонлар жуда кўп ер ва халкларни фатх қилиб, уларга ҳақ йўл ва ҳақ динни кўрсатдилар, ўргатдилар. Бунинг исботи, бугунги кунимизда ер юзида бир ярим миллиарддан ошқин мусулмонларнинг истикомат қилаётганидир.

Исломнинг галаба сари одим қадамлар ташлашида мусулмон амирларининг ўрни катта бўлган. Мана шундай тарих саҳифаларида ёрқин нур таратиб турган юлдузларнинг бири ҳақида бугун суҳбатлашамиз. Бу одам, Росулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ўзларидан мактов эшитган. Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Истанбул фатҳи ҳақида башорат қилиб: «Истанбул (Қустантиния), албатта, фатх қилинади. Уни фатх қилган қўмондон нақадар бахтли қўмондон, уни фатх қилган аскарлар нақадар бахтли аскарлардир», деганлар.

Таваллуди ва ёшлиги

Унинг тўлиқ исми – Мухаммад II, Султон Мурод ўғли 1432 йили 29 март куни Эдирнада

таваллуд топган. Мухаммад Фотих 1421 йили 18 феврал куні отаси Мурод II вафотидан сўнг тахтга чикди. 19 ёшида у катта бир мамлакатнинг ҳукмдорига айланди. Унинг отаси уни бу ишга, яъни, ўзидан кейин умматга хизмат килиши ва уммат ундан барака топишига тайёрлаб кетган эди.

Буюк шахс бўлиб етишиш учун отаси уни амирлар мактабига юборади. Бу мактаб саркарда ва етакчиларни тайёрлаш мақсадида ташкил килинган эди. У кўп билимларда муваффакиятга эришади, сўнг отаси уни Манисга ҳоким килиб тайинлайди. У билан бирга таквosi билан ном чиқарган ва ўз даврининг машхур олимларидан бири бўлган Ахмад ибн Исмоил Куранийни ҳам кўшиб юборади. Византия бўйича мутахассис бўлган британиялик тарихчи Стивен Рансимен Султон Фотих хакида: “У ўктам, бўйи унча баланд бўлмаса ҳам бакувват эди. Юзида кўзи ўткир нигоҳи билан алоҳида ажралиб турарди. Муомаласи гўзал, вазмин ва тахсинга сазавор эди. Султон Фотих ўз сирини бой бермасди. Айни вақт у нима хакида ўйлаётганини билиб ҳам бўлмасди. У на атрофидагиларнинг на халқининг муҳаббатини қозонишга ҳаракат қилмас эди. Бирок, унинг акли, гайрати ва қатъийлиги ҳурматга лойиқ эди. Султон Фотих илм аҳлига хайрихоҳ эди, санъат аҳллариини ҳам яхши кўрарди”.

Кустантиния

Росулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан бир кун сўрашди: “Шахарлардан Кустантинийя ва Румдан қай бири аввал фатх бўлади?” Набийulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Биринчи бўлиб Кустантинийя фатх қилинади” дея жавоб қилдилар. (Ахмад ва Доримий).

Ушбу ва бошқа ҳадислардан хабари бор жуда кўп мусулмон ҳукмдорлари, саркарда ва амирлари Кустантинияни (ҳозирги Истанбул) фатх қилишга ҳаракат қилишган. Бирок ҳеч қим ўз мақсадига етиша олмаган. Ёш Мухаммад Фотих ҳам ёшлигидан ушбу шаҳарни фатх қилишни орзу қилган.

Мазкур шаҳар ниҳоятда бой, кўркам ва химояси жуда мустаҳкам бўлганидан уни ишғол қилиш мумкин эмасдек эди. Баъзи тарихчилар Кустантиния хакида: ““Агар дунё битта мамлакат бўлганида Кустантиния ўша мамлакатнинг ягона пойтахти бўлган бўлар эди”, дейшган эди.

Кустантиния фатҳи учун тайёргарликлар

Кўйилган мақсадларнинг бутун мураккаблигини ҳис қилган Мухаммад оқилона ҳарбий-сиёсий ҳаракатларни амалга ошира бошлади. У Гарбий Европа мамлакатлари билан вақтинча тинчлик сулҳларини тузди ва бу билан ташқи хавфдан ўзини химоя қилиб олди. Кейин у мамлакат ичидаги барча кўзғолонларни бостирди. Босфорнинг икки

соҳилида истехком калъалар курди, улар ёрдамида бўғоз устидан тўла назорат ўрнатди ҳамда Кустантинияни денгиз оркали озик-овкат етказиб берилишидан махрум қилди. Мухаммад Фотих шуни яхши англадики, ҳозиргача бўйсунмай келган шаҳарни таслим қилиш учун энг замонавий қурол керак. Бу ҳақда Аллоҳ Таъоло шундай марҳамат қилади:

«...وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ لِلْبَيْتِ وَإِذْ يَحْمِلُ إِسْحَاقُ وَيَحْمِلُ إِسْحَاقُ عَلَى الْمِيزَانِ وَنَحْنُ أَشَدُّ بِالنَّاصِرِينَ وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ لِلْبَيْتِ وَإِذْ يَحْمِلُ إِسْحَاقُ وَيَحْمِلُ إِسْحَاقُ عَلَى الْمِيزَانِ وَنَحْنُ أَشَدُّ بِالنَّاصِرِينَ

«Улар учун қўлингиздан келганича қуч-қувват ва эгарланган отларни тайёр қилиб қўйингиз, бу билан Аллоҳнинг душманини, ўз душманингизни ва улардан бошқа ўзингиз билмайдиганларни қўрқитасиз... » ("Анфол" сураси, 60).

Ушбу ояти каримани ҳаётга татбиқ этиш учун у тўп-замбаракларнинг энг зўр усталарини чақиртирди ва қўп миқдорда замбараклар қуйдира бошлади, шунингдек, унинг буйругига қўра, ўша даврда 100 га яқин ҳўкизлар билан судраладиган энг катта замбарак тайёрланди. Нисбатан қиска давр ичида ўша даврда жаҳонда тенги йўқ бўлган артиллерия шакллантирди.

Ёш ҳукмдор йирик ва қудратли флот тузишга ҳам алоҳида аҳамият қаратди. Бир неча йиллик тайёргарлик мобайнида энг замонавий замбараклар билан қуролланган бир неча юзта янги ва замонавий ҳарбий кемалар сувга туширилди. Бундан ташқари, у қўшин сафини энг яхши олимлар ва факиҳлар билан тўлдирди, улар газотга чиққан аскарлар руҳини қўтарар, қўшинга юқори қўтаринкилик ва мардонаворликни бахш этар эдилар. Қўнт билан қилинган икки йиллик меҳнатдан сўнг қўшин жангга тайёр эди!

Кустантиния фатхи

1453 йилнинг 5 апрель куни Султон Фотих ўзининг 100 минг кишилиқ қўшинини Тўпқопида тўхтатиб қамал бошлади. Эртаси тонгда улкан тўплардан ўт очишга буюриб ҳужум бошлади ва бу билан ёш сарқарда ўзининг дохиёна бошқарув қобилиятини намойиш этди. Қўндан-қўнга мусулмонлар қўшини шаҳарнинг метин деворларини емиришга ҳаракат қилишди. Бирок, византияликлар баланд ва мустаҳкам деворларида туриб қорамой, қайноқ сув, тош ва қамон ўқлари ёғдирган ҳолда душманларидан ҳимояланишди. Мусулмонлар деворнинг бирор жойи қўлаб тушишидан умид қилган ҳолда узокдан тўпга тутишда давом этишди. Шу билан бирга султоннинг фармонида биноан девор остига порох қўйиб портлатиш учун лаҳм қазиди буюрилди. Бирок, византияликлар бу режадан хабардор бўлиб унинг амалга ошишига имкон беришмади. Султон Фотих бундан саросимага тушмади ва византияликларга қўтилмаган зарба берди. У баландлиги Кустантиния деворларидан юқори бўлган улкан ёғоч миноралар қўришни буюрди.

Бахайбат аравалар устига ўрнатилган миноранинг ёғочларига ёниб кетишдан асраш мақсадида нам тери тикиб чиқилди. Унинг юкорисидаги супачага эса аскарлар жойлаштирилиб тобора девор томон яқинлашиб боришди. Византияликлар ёғочдан ясалган бундай курул олдида саросимага тушган бир пайтда мусулмон аскарлари деворга етиб бориб, шаҳарнинг олд деворини бузишга муваффақ бўлишди. Узок давом этган қашатқич жангдан сўнг византияликлар мусулмон ҳукмдорининг бу қашфиётини ҳам йўқ қилишга муваффақ бўлишди.

Мана навбатдаги мувоффақиятсизлик ва бунинг олдида жуда кўп саркардалар галабага бўлган ишонч ва умидлари пучга чиққан бўлар эди. Мухаммад Фотих эса, Аллоҳ Таъолога таваккул қилиб, Ундан нусрат ва галаба сўраб илтижо қиларди. Зеро Аллоҳ Таъологина галаба ато қилиши мумкин. Ўша даврда ҳеч бир саркарда ҳаёлига келмаган нарса Султон Фотих ҳаёлига келади. Унинг режаси бир неча қайиқларни қуруқлик орқали, Босфорда жойлашган Бешиктош деган жойдан асосий қириш жойидаги занжир ҳамда византияликлар флотидан узокроқ бўлган Олтин Мугузга ўтқизишдан иборат эди. У қалъа деворлари ичида энг заиф жой Олтин Мугузда эканини жуда яхши билган.

Қуруқлик бўйича ўтилиши керак бўлган масофа уч милни ташкил этарди! Ҳеч қанақа шароит йўқ, ердаги тупроқ шиббаланмаган, йўл ва асфальт деган нарса умуман йўқ эди. Фотих ерни текислаб йўл ётқизишга амр берди. шундан сўнг у ерга тўсинларни ётқизиб, кемалар уларнинг устидан осон сирпаниб ўтиши учун ёғ билан сурқашни буюрди. Исломи лашкарларининг бақувват ва чайир эрқаклари Босфор кўрфази сувларидаги кемаларни қуруқликка чиқаришга ҳамда Олтин Мугуздаги ҳавфсиз жойга узок масофага кўчиришга қиришдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси бир кечада амалга оширилди. Қелгуси куннинг тонгида, қуёшнинг илк нурлари таралиши билан Олтин Мугузда пайдо бўлган етмиш иккита кемада Султоннинг туглари қилпирай бошлади. Кемалар ичида тиш-тирноғига қурулланган ислом лашкарлари Аллоҳга тақбир айтган ҳолда Аллоҳнинг фатҳи боис шодлигини изҳор этарди. Ушбу манзарага кўзи тушган румликлар имконсиз нарсанинг амалга оширилишидан шунчалик қол қотдиларки, руҳан тушқунликка юз тубан тутдилар.

Византиялик бир тарихчи: “Бунга қадар бунга ўхшаш нарсани кўрмаган ва эшитмаган эдик. Мухаммад Фотих ерни денгизга айлантирди ва унинг кемалари тўлкинлар ўрнига тоғлар орасидан сузиб ўтди. Бу амали билан у Буюк Искандардан ҳам ошиб тушди. Ҳеч қутилмаган ушбу ҳарбий ҳаракат жанг натижасини қол қилди, дейиш мумкин”, деб ёзган эди.

1453 йил 29 май, сешанба куни Султон эрталабки намоздан сўнг ўз аскарларига Аллоҳ Таъолога қолис илтижо қилиб дуо қилишларини сўради. Намоздан сўнг, қоланд янграган тақбир қадлари остида ҳужум бошланди. Ўз аскарларини галаба билан тақриқлаган Султон уларга: “Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳ Таъоло шайхидларни раҳматига олсин ва муқоҳидларга шон-шарафлар бўлсин, буюк Исломи умматига эса, шон-шавқат ва иззат ато қилсин”, дея қитоб қилди. Сўнг у ўз отидан тушиб, Аллоҳ Таъоло тарафидан ато этилган галаба учун қаждага йиқилди. Аллоҳ йўлидаги ажойиб галабаси ва Қонстантинополни ишғол қилгани учун мусулмонлар Султон Мухаммадни Фотих, деб атай бошладилар.

Абу Иброхим ибн Юсуф “Ислом эътиқоди” китобида, “Кустантиния фатхи” бобида ёзади: “Аллох субҳанаху ва таъоло томонидан галаба ато килингандан кейин, Султон Мухаммад Фотихнинг биринчи қилган иши, саждага бошини қўйиб, мусулмонларга очик фатх ва мулк бергани учун Аллохга шукрона келтирди. Қўшин шаҳарга қирганда, қўпчилик деворларнинг тепасига қўтарилиб, румликларнинг байроқларини юлиб ташлаб, уларни ўрнига ислом байроқларини ўрнатишни бошлашди. Бу галаба онларида ўнлаб мужоҳидлар шаҳарнинг энг баланд минораларидан азон чакира бошладилар. Султон Фотих шаҳар марказига келганда, тўхтади ва Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг башоратлари рўёбга чиққанлиги тўғрисида хитоб қилди ва “Албатта Кустантиния фатх этилажак, унинг амири қандай ҳам яхши амир ва уни эгаллайдиган қўшин қандай ҳам яхши қўшиндир” ҳадисини айтди”.

Бир ривоят

Кустантинияни (Константинополь) фатх этиш учун олиб борилган жангларда, аскарларнинг айримлари жангга куч тўплаш учун тунлари ором олишар, айримлари эса қучларини қундузлари тутган рўзадан ва тунлари ўқишган таҳажжуд намозидан олишар эди. Чодирларнинг бирида рўзадор ва сахархез аскарлардан бири чодирдаги шеригини тунда ўқиган намози билан безовта қилди. Чунки у, чарчаган ва қўзи қокилмас эди. Шунинг учун дўстига дам олишни тавсия этди. Дўсти унинг тавсиясига лаббай деб, ҳузурини бузмаслик учун таҳажжуд ўқимай, ётоғига узанди. Бирок, уйқусидан қўрқиб қўлларини узатган ҳолатида уйғонди. Дўсти ҳам уйғониб кетди ва унинг бу ҳолатини қўриб, унинг солих инсонлардан бири эканини билгани учун нима бўлгани ҳақида сўради. Дўсти тушини бировларга ўлимидан кейингина айтиб бериш аҳдини олганидан сўнг айтиб берди: У тушида жаннатга қирган ва ҳурлар тақдим қилинган, унга қўлларини узатган, бирок ҳур: Уч кундан кейин бизнинг олдимизда ифтор қиласиз!,— деган эди. Бу аскар тонгни рўзадор бўлиб қаршилади. У ўзини душманнинг ёлларига нишон қилар, Аллохнинг душманларини қийратар, лекин, ёллар қелсада унга тегмас эди. Шом вақти қелди ва у оғзини очди. Кейинги кун ҳам биринчи кундагидек рўзадор ҳолатида қаҳрамонликлар қўрсатди. Учинчи кунга ўтар кечаси таҳажжудини ўқиб, тонгни рўзадорлик билан қутиб олди. Сўнгра, Аллохнинг душманларини қийратди ва ўзини уларнинг ёлларига нишон қилди. Ёллар қелар, бирок унга тегмас эди. Қуёшнинг ботишига оз қолганида ёй қелиб, унинг қўксига тегди ва у йиқилди. Дўсти уни узокдан қузарар ва йиқилганини қўргач, уни душмандан қутқаришлари учун қўшинга қарата: Анави одамнинг олдига қелинлар!,— деди ва дўстига яқинлашиб: Бугун қиладиган ифторинг муборак бўлсин!,— деди. Мартабасини дўстидан бошқа бирон қимса билмайдиган аскар: Оғиз очманг!, деган маънода лабларини тишлаб, ўрталарида қилинган аҳдни эслатди. У жонини таслим қилган дўсти қўшинга қарата: Мен сизларга бу одамнинг ҳикоясини айтиб берайми!,— деб хайқирди ва қиссани айтиб берди. Ўша кеча аскарлар ичидан айримлари таҳажжуд намозига турди ва тонгни рўзадор қаршилади. Уларнинг ҳар бири на исми ва на расми шу қунимизгача маълум бўлмаган ўша одам эришган мартабага эришишни орзу қилиб, ўзини ёлларга нишон қилди ва

Кустантиния фатх этилди.

Мухаммад Фотих — гамхўр ва доно хукмдор

Мухаммад Фотих нафакат ўзининг харбий юришлари билан, балки Аллох Таъоло буюрган буйруклари асосида адолат билан давлатни бошқариши оркали ҳам ном қозонган эди. У Аллох Таъоло томонидан ўзига юклатилган масъулиятни қалбининг энг тубидан ҳис этар эди. Мухаммад Фотих давлат маъмурий, молиявий ишлари ва уларнинг ҳаражатларини тартибга келтирди. Харбий қўшинларни кичик-кичик гуруҳларга бўлиб, уларнинг сони ва эҳтиёжларини махсус дафтарда қайд этилган ҳолда иш юритди. Айниқса, у вилоятларни ривожлантиришга ўз эътиборини қаратди. Масъулиятсиз вилоят ҳокимларини ишдан олиб ташлади. У ўз саройини ислох қилди, атрофида жуда қўп ўз ишининг билимдонлари бўлган мутахассисларни, солих ва такводор одамларни жамлади, жуда қўп мадрасалар очди. Шифохоналар, тиббий ёрдам кўрсатадиган масканларни қўпайтирди, уларга энг яхши шифокорларни тайинлади. Хар бир шифохонада алоҳида жаррох, дорихона бошқарувчиси, тиббий ёрдам кўрсатувчи шахслар ва уларнинг ёрдамчилари бор эди. Худди Хорун Ар-Рошид ва Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу қаби қийимини ўзгартириб олган ҳолда шаҳарнинг хароб маҳаллаларини айланар ва жамият нимага мухтож, қандай муаммолари борлигини билиб, уларни ҳал қилар эди. Бир сўз билан айтганда, Мухаммад Фотих такво, солих амаллар ва ўз фуқароларига нисбатан гамхўрлик қаби ҳислатларни ўзида мужассам қила олган эди. У етакчи, раҳбар ва ўз умматининг имоми ҳам эди.

Ўғлига васиятнома

Ушбу мақолани буюқ Султон вафотидан олдин ўз ўғлига қолдирган ҳикматли васиятномасини баён қилиш билан якунлашни ихтиёр этдик. “Эй, жигарбандим! Умрим поёнига етди, бироқ ҳеч нарсадан афсусланмаяпман, чунки ўзимдан кейин сиздек фарзандни қолдирмоқдаман. Адолатли, ҳаққоний ва раҳмдил бўлинг. Қўл остингиздагиларга бир хилда гамхўрлик қилинг. Исломи динини ёйишда собитқадам бўлинг, ҳақиқатдан ҳам бу Ер юзидаги ҳукмдорлар бунинг учун масъуллар. Исломи ишлари бошқа ишлардан устивор бўлиши керак ва бунда изчил бўлишингиз лозим. Диндан йироқ одамларни ўзингизга яқинлаштирманг ва улардан фойдаланманг. Бузуклик олиб қирувчи бидъатлардан ўзингизни эҳтиёт қилинг, мамлакатнинг жиходи олиб боришига имконият беринг, Байтул-Молни ҳонавайрон қилиб қўймасликларини учун уни қаттиқ назорат остида ушланг. Мардумнинг молига тажовуз қилсангиз, холингиз вой бўлсин, илло Шариати ҳуқуқи бўлмаса. Мухтожларга ёрдам қўлини чўзинг. Эй, менинг

фарзандим! Мендан ўрнат олинг. Мен бу дунёга келганимда, чумоли каби эдим, кейин Аллох менга шунчалик кўп яхшиликларни берди. Менинг йўлимни тутинг ва мендан ибрат олинг. Тиним билмай Исломи динини улуғлашга ва мусулмонларни шарафлашга ҳаракат килинг. Мол-мулкингизни зеб-зийнат ва ўйин-кулгига сарфламай, зарур миқдор билан қаноатланинг. Исроф ва тақаббурлик – ҳалокатнинг энг катта сабабларидир”.

Интернет маълумотлари асосида
Абу Муслим тайёрлади